

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан ниде бошлаган.

© 157 (6. 646)

1988 йил 8 июль, жума

Баҳоси 3 тийин



Конференция резолюциялари — амалий иш программаси

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Ташпромстрой» трестига қарашли В. Фо- зиллов бошлиқ сувоқчилар бригадаси йил бошидан бери ўзаро социалистик мусобақада ғолиблик қилиб келмоқда.

Коллектив партия анжумани шарафига олган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажариб, планга қўшимча 3 минг 500 квадрат метр сувоқ ишларини бажарибди.

Бригадада 16 қурувчи ҳисобланади. Уларнинг ҳаммаси турдош касбларни ўзлаштириб олган. Тажрибали пардозловчилардир. Коллективнинг 3. Мавзиева, М. Тилизова, Т. Сарбоев, М. Саҳобиева, Қ. Абдураҳмонов сингари пешнадачилари 27 июндаёқ шахсий йиллик планларини бажариб, ҳозирда келгуси йил ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Айни кунларда бу илгор коллектив Сергеев шаҳарчасида 9 қаватли 240 ўринга эга бўлган ётқоҳна биносини пардоздан чиқаришмоқда. Бино йилхисси «Ташпромстрой» институтини қўриқлаётган томонидан тайёрланган бўлиб, унда барча қулайликлар яратилган. Бригада аъзолари ишбу объектнинг муддатидан бир ҳафта илгари фойдаланишга топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

ШАРТНОМА АСОСИДА

Тошкентдаги заргар- ларнинг мутахассислари ишлаб чиқариш салмоғини оширишда хайрли ишни амалга оширишди.

Улар Москвада кенг истеъмол моллари улгурчи йрмаркасида қатнашиб, корхона маҳсулотлари намуналарини намойиш этдилар. У ерда 150 хил номда миллий зебу зийнатлар кўрсатилди. Корхона бош расмони М. Трошини келгуси йил ишлаб чиқариш салмоғини ва маъсу- лиятини яқинлаштириш таъкид- лади. Москва йрмаркаси бў- йича мамлакатда 98,2 мил- лион сўмлик заргарлик буюм- лари етказиб берилади.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Ватанимиз пойтахти Москвада Бутуниттифоқ XIX партия конференция- си давом этаётган бир пайтда Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлаш- маси коллективлари ярим йиллик топшириқларини шараф билан бажарганди.

Коллектив 2 миллион 895 минг ўринга 2 миллион 895 минг сўмлик маҳсулот тай- ёрлашга эришди. Яқинда корхона ишчилари чиқитлар- дан, яъни гранит қолдиқла- ридан ҳам унумли фойдала- нишни йўлга қўйдилар. Ма- салан, олдчилари бу қолдиқ- лар ташлаб юбориларди. Энди эса улардан гранит мо- заикалари тайёрланмоқда. Ҳозир корхонада бу янги маҳсулотдан дастлабки 50 квадрат метри тайёрланди. Йил охиригача бу маҳсу- лотдан юз квадрат метр тай- ёрлаб қурилиш объектларига етказиб берилади.

Қурувчиларнинг катъий аҳди

Коммунистларнинг Бутуниттифоқ XIX кон- ференциясида давримизнинг муҳим ижтимоий ва сиёсий воқеалари тилга олинди, улар- ни ҳал этиш йўллари белгиланди. Резолюция- лар қабул қилинди.

Резолюциялар Марказий Комитетнинг ап- релъ Пленумидан ва КПСС XXVII съезидан кейинги даврдаги ўзгаришлар, турғунлик йиллари келтириб чиқарган қийинчиликлар, қайта қуришни нуттасил ривожлантириш ва унинг муқаррарлигини таъминлайдиган йил- лар очик-ойдин белгилаб берилганлиги билан характерлидир. Унда баён этилган «Қури- лиш индустриясининг заифлиги ва аввало, бинокорлик материалларининг етишмаслиги, махсус машина ва ускуналар жуда камлиги давлат, кооператив ва янги тартибдаги уй- жой қурилиши миқёсларини кенгайтиришга, меҳ- нат коллективларининг, маҳаллий Советлар- нинг бу ишдаги ташаббусига ҳаёлатик бера- ётганини қайд этиб, конференция СССР ва иттифодкош республикаларнинг ҳукумат ор- ганлари шу масалаларни ҳеч кечиктирмай ҳал этишлари кераклигини маълум қилади дейилган жумлалар биз, қурувчиларга тўла тааллуқлидир.

Кунин-кеча комбинатимизда КПСС XIX Бу- туниттифоқ конференцияси Резолюциялари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йилгиш- да қурувчиларимиз бу ҳужжат ҳақида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирар экан- лар, энди гапдан амалий ишга ўтиш муддати етганлигини, конференция қарорларига яна- да унумли меҳнат билан жавоб бериш ло- зимлигини қайта-қайта ўқитди.

Чиндан ҳам, комбинатимиз қурувчилари олдинда муҳим вазифалар турибди. Зеро, биз коммунистлар анжумани арасида ярим йиллик план-топшириқларини муддатидан ил- гари адо этиб 56 минг 120 квадрат-метр ўр- нига 98 минг 34 квадрат-метр уй-жой қуриб берган бўлсакда, ҳали-ҳамон ўз ишимиздан қўйилмиш тўлганча йўқ. Нега шундай! Бу- нинг сабаби бор. Биринчиси, қурилиш ишида-

ги сифатсизлик бўлса, иккинчиси, орамизда меҳнат иттифоқини бузувчиларнинг (гарчи улар оз бўлсада) борлиғидир.

Сифат масаласи ҳақида жуда кўп гапир- илади. Ҳар бир қурувчида иш сифатига эъти- борини қўнайтириш қайта-қайта ўқитилади. Лекин барибир, қайси жойдадир, ушбу сифат- сизлик яна такрорланади. Қурувчи ва таъми- нотчилар ўртасидаги зиддият ҳамон кучли. Улар айбларини бир-бирларига ағдарибгани- ағдарилган. Ҳўш, ҳамжиҳатлик билан ишлаш мумкин эмасми! Албатта мумкин. Бунинг учун таъминотчи ҳам, қурувчи ҳам ўз айбини ҳолисона бўйинга олиши, ишга масъулият билан ёндашиши, биргана ўз манфаатини ўйлаб эмас, балки умумманфаатини кўзлаб иш туттиши лозим. Ана шундангина ўртадаги зиддиятга чек қўйилади. Яхши муносабат ва ўзаро мулоқот бошланади. Аҳлиқили ва ҳамжиҳатлик бор жойда эса иш унумли ҳам, сифати ҳам яхши бўлади.

Биз ана шунга ҳаракат қилаёмиш. Сифат- сизликка қарши кескин курашяёмиш. Бригада ва коллективларда ўзаро сифат комиссияси ишлаб турибди. Улар ҳар бир қурувчининг қандай иш бажараётганлигини огоҳ бўлиб туришди. Смена охирида унумли ишга ажу- ясади. Сифатсизликка йўл қўйган қурув- чига ишни қайта маромига етказиш вазифаси топширилади. Очигини айтганда, бу усул бизга кўп келмоқда.

Йилгиш охирида қурувчиларимиз Резолю- циялар сатрларидан келиб чиққан ҳолда ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Кўпгина коллективлар эса ҳозирда бўёб этаётган объектларини муддатидан илгари фойдаланишга топширишга аҳд қи- лишди. Йилгиш «Бугун кечиктирдим, эртага бугунгидан кўпроқ меҳнат қиламиз» шiori асосида ўтди. Бу бизнинг конференция қарорларига амалий жавобимиз бўлади, де- йишмоқда қурувчилар.

У. ИСМОИЛОВ,
2-ўйсолик комбинати бинокори,
КПСС аъзоси.

АВТОМОБИЛЧИЛАР ВАХТАСИ

Ғаллаорол йўллари шаҳри- миз ҳайдовчиларига кўп йил- лардан буён яхши таниш. Ай- ниса марказлашган усулда иш таъиниш автомобиль трест- коллективи бу ерларда теат- тес бўлиб туради. Ўзларининг бе- миният ёрдамларини тўғри не- мат ёратувчилардан айл- шмайди. Ҳозирги кунда Ғалла- орол бўғдозорларида иш қай- найдми. Ғаллаорол, Ғ. Фулом, Ҳарп Марис номли совхозлар- да етиштирилган ҳосилни но- буд қилмай йиғиштириб оли- напти. Ҳайдовчилар ҳам улар- га қамарбаста бўлиб, дон қабул қилиш пунктларига маҳсулот- ни пешмалаш етказиб бери- шапти.

Бугунги кунда бу ерда бо- шқоқчи дон ташинишга мослаш- тирилган 100 га яқин дон та- шувчи автомобиллар ишлаб турибди. Бу ёрдам деҳқонлар билан ҳайдовчилар ўртасида тузилган ҳамкорлик алоқалари- ни пухта уддаланаётганлигини кўрсатишмоқда. Ҳозиргача тош- кентлик автомобилчилар «Ҳо- сис—88» мавсумида ақтия қат- нашиб беш минг тоннадан зиёд донни ташиб беришди.

— Дала юзлашларида қат- наётган автомобилчилар ало- қалари ўртасида янги олдчил- лар социалистик мусобақанинг асосий шартини маъсуллик уюш- қоқлик билан ўтказиш, белги- ланган муддатда янги ҳосилни меҳнубуд қилимай ташиб бе- ришни ташкил этмоқда. Сара- тоннинг жанарама исотиғи Ҳиз- зах чўли бағридаги ҳайдовчи- ларимизни заррарча бўлсада қўчига олгани йўқ. Улар қийин- чиликларни мардона енгиб, иш маромининг бир йўсинда боришини таъминлашапти.

М. САВЕЛЬЕВ.

Истеъмол буюмлари кўпаяди

Тошкент «Геологоразведка» тажриба-эксперименталь за- води коллективи томонидан тайёрланган кенг истеъмол моллари кўпчиликлари манзур бўлмоқда.

Янги тартибда уй-жой қураётганлар учун дарбоза, гараж, балкон панжаралари, металл шкафлар, хотин-қизлар безакла- ри, зирак ва бошқа бир қатор харидоригр маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Бугун ушбу коллектив ТГ—132 маркали 1 сўм 50 тийин турадиган хотин-қизлар зирагини тайёрлашни ўзлаштири- ланган шартнома мажбурияти бажаришди. «Ташлакатерей- тор»га 60 минг жуфт ана шундай зираклар етказиб берилди. Шунингдек, ТГ—146, ТГ—13, ТГ—165 маркали янги безакли уч хил зирак тайёрлашга киришилди.

Д. ОБЛАЕВ.

Умри боқий дўстлик

Маданиятимиз намоиши

Ўзбекистон ва Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқалар йил сайини ривожланиб бормоқда. Шу ҳафтада дўстларимиз диёрида яна бир қизиқарли маросимлар бошланади. Совет ва ГДР дўстлик жамиятининг Ўзбекистон бўли- ми йўлланмаси билан республикамиз фаши, маданияти, турли соҳалари вакиллари билан иборат туристлар гуруҳи дўстлар мамлакатига жўнаб кетди. Вакилларимиз бу мамлакатнинг бугунги ҳаёти билан танишадилар ва Ўз- бекистон билан алоқалар ўрнатган Зуль шаҳрида бир қатор маданий тадбирлар ўтказадилар. Маълумки, бу шаҳарда ўтган йили «Ўзбекистон» миллий чўйхонаси очилган эди.

Зуль шаҳрида Ўзбекистон халқ амалий санъати кўр- газмаси намоиш этилади. «Қўноқ сайр», «Пахта», «Ўзбекистон бўйлаб сайҳат» ҳужжатли фильмларимиз кўрсатилади. Бундан ташқари Тошкентдаги эксперимен- тал ижодий-амалий санъат комбинати ва «Усто» бир- лашмаси расмолари, «Зарафшон» ресторани ошпазлари ўз маҳоратларини амалда ишлаб кўрсатадилар. Илмий-тад- қиқот институтлари ва олий ўқув юрталари олимлари Ўзбекистонда олиб борилаётган қайта қуриш ишлари ҳа- қида гапириб берадилар.

Пойтахтимиз меҳмонлари

Денгиз соҳили театри

Приморьедаги Владивосток шаҳридан Тошкентга театр декорациялари келтирилади. Шундай қилиб, пойтахти- мизда биринчи марта Владивостокдаги Максим Горький номидаги ўлка драма театрининг гастроллари бошлана- ди. Таърихият қўлимоқда. Шу муносабат билан театр директорининг ўринбосари Лидия Павловна Лопу- хова бўндай леги: — Биз олийдаги денгиз корлари Тошкентда биринчи соҳили ўлкасининг санъат- бор гастролимиз бошлан-

шидан хурсандимиз. Шаҳри- нингиздаги Максим Горький номидаги рус давлат акаде- миқ драма театрида спек- таклларимизни намоиш эта- миз. Санъаткорларимиз М. Булгаковнинг «Ватангидо- лар», Ф. Достоевскийнинг

«Жиноят ва ҷазо», В. До- шорцевнинг «Номалум ки- ши билан нонушар», Н. Эр- маннинг «Ўз жонига қасд», В. Шекспирнинг «Севгининг самарасиз гайрати» каби ўнлаб саҳна асарларини кўр- сатадилар.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Дил кафолати

Бир сўз аниқ ва яққол мазмунини ифодалай- ди: ишчи ўз меҳнат участкасида қачанлар виждон билан ишлаши қайта қуришнинг муваффақиятини таъминлайди.

Шу кунларда Саида ва унинг ҳамкасб- лари зарбдорчасига, фидокорона меҳнат қи- лишяпти. Бунга уларни мажбур қилишга- ни йўқ. Улар қалб даъвати билан ишга ки- ришдилар.

— Ҳалол меҳнат — энг аввало, виждон- ний меҳнатдир, — дейди Саида, — қачонки дилдан ишлаш, ўзи учун эмас, «коллектив учун ишлаш жамиятимиз бундан ҳам гў- заллаштиради».

Унинг қўллари нозик, шу билан бирга зарбдор ишчи қўлларига айланган. Бу қўллар келажак фаровонлиги учун кафолат берадиган қўллардир.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференция- сини диққат билан кузатган Саида шундай хулосага келди: «Мен ҳали кўнгалдиқдек ишламайтиман». Конференциядаги ҳар

Т. ИҶДОШЕВ.

© СУРАТДА: ойна-мебель фабрикаси ишчиси С. Я. Измайлова.

Т. Каримов фотоси.

Ҳамшаҳарларимиз учун

Фрунзе районининг «Бошлиқ» микрорайонда 3-ўйсолик комбинатига қарашли 1-комплекс қу- рилиш бошқармаси бўёб- дозорлари томонидан янги уй қад ростлади.

Бу 108 квартиралар 9 қав- атли бино пардоздан чироқ- ли чиқарилганлиги билан бошқалар диққатини жалб

этнода. Бундан ташқари ана шу микрорайонда 10 минг квад- рат метри 108 оилага мўл- жалланган 9 қаватли яна бир янги уй-жой биноси ҳам қуриб фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Кейинги пайтларда район- да уй-жой бинолари қурили- шига натта эътибор берил-

моқда. Мазкур микрорайон- да қад кўтарайотган иккита 9 қаватли уй-жой биноси ҳам ҳадемай 216 оилани ўз ба- гирига олади. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини амалга ошира- ётган 3-ўйсолик комбинати азаматлари бу уйлари жа- даллик билан бўёб этиш- моқда.

Кўргазма

Венгрияга

жўнатилди

Ўзбекистон расмоларининг юзга яқин акварель ва график асарлари Венгрия пойтахтига жўнатилди. Будапештдаги Со- вет фани ва маданияти уйда «Давр мароми ва Ўзбекистон манзаралари» кўргазмаси очил- ди.

Кўргазмага келган кишилар Ғ. Бойматовнинг қайта қуриш- га тўқинлик қилаётган киши- лар устидан қўлувачи «Қора қўғирчоқлар» сатирик суратла- рини, унинг «Туш пайти» ва «Олча қуриш» деб аталган лирик асарлари, В. Алухтин- нинг урушга қарши қаратилган «Троя» оқи соғларини туркум- даги графика асарларини кў- радилар.

— Абу Али Ибн Сино поэ- зияси, Ғете лирикиси, «Ғар- сий» Лорка китоблари ҳам на- мойиш қилинади.

— Ўзбекистон расмоллар союзининг чет мамлакатлар билан алоқалари кенгаймоқда, — деди Республика маданият министрилик бадийи кўргаз- малар дирекциясининг илмий секретари М. Порто. — Бу йил Ўзбекистон тасвирий санъати ва амалий маънавий санъати кўргазмаси Берлинда катта му- ваффақият билан ўтди. Шу йил кузда расмолларимиз- нинг асарлари ГФРда намоиш қилинади. Қўйин Саксония ўл- кеси графикаси ва Саксония чининиси кўргазмаси билан Тош- кентга келган Ганновер шаҳри мэри Харольд Бельман ГФРда кўргазма ташкил этиш тўғри- сида Ўзбекистон расмоллар союзи билан келишиб олди.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎТАГ мухбири.

• Футбол. Биринчи лиго

«Пахтакор» — «Кубань» — 1:0

Кеча футбол бўйича СССР биринчилигининг навбатдаги турда «Пахтакор» ўз майдон- нда Краснодар шаҳрининг «Кубань» командасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Шу турнинг қолган учрашу- ларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Шинник» —

«Кузбасс» — 0:0; «Таврия» —

«МАСК» — 0:0; «Заря» — «Геоло- г» — 3:1; «Ростсельмаш» — «Звезда» — 1:1; «Динамо» (Б) — АСК (Р) — 0:1; «Гурия» — «Ротор» — 4:1; «Металлург» — «Карпати» АСК — 1:2; «Томир» — «Котайк» — 4:1; «Спартак» — «Динамо» (Ст) — 2:2; «Колос» — «Дугава» — 2:1.

Сўнги соатда

● НЬЮ-ЙОРК. Форс кўрфа- зида содир бўлган қўнжа Американинг ҳарбий-деғиз кучлари Эроннинг граждон са- молетини уриб тўширгани оқи- батиде 290 пассажир ҳалок бўлганлиги муносабати билан Эрон шошилинч тарзда БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг чеки- ришини илтимос қилди. Эрон- нинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили аэвизфасини иккита эа- ётган Мухаммад Жейфар Ма- халлатий матбуот конферен- циясида сўзга чиқиб, БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши каттабел- қилинган ана шундай ҳу- жумларга чек қўйиши керак, бундай ҳужумлар оқибатида айбис одамлар нобуд бўл- моқда» деди. «Бу Эрон—Ироқ можаросига бевосита боғлиқ бўлмаган алоҳида масаладир».

● НЬЮ-ЙОРК. Граждон авиацияси халқро ташкилоти (ИКАО) 1988 йилнинг 3 июль- кунини Хўрмуз кўрғазми тепа- сида «Иран эйр» авиакорпо- рациясининг аэробуси уриб тў- ширилгани ва самолёт ичида- ги пассажирлар ҳамда эки- паж аъзолари ҳалок бўлганли- гини эшитиб ларзага тушди. Шу ташкилотнинг Монреал (Канада) шаҳридаги қароргоҳи тарқатган баёнотда шу ҳақда гапирилди. ИКАО Эрон Ис- лом республикаси ҳукуматиға ва ҳалок бўлган кишиларнинг оилаларига таъзия нхзор этди, мазкур ташилот сиёсати граждон авиацияси самолётла- ри учинининг хавфсизлиги ва мунтазамлигини таъминлашга, граждон ҳаво кемаларига нис- батан қурол-яроғ ишлатилиши- га қарши қаратилгандир.

● ВАШИНГТОН. Президент

Рональд Рейган, АҚШ Эрон пассажир самолётини уриб тўшириб, «ўзини ўзи мудофиа қилишдек дахлсиз ҳуқуқини» адо этди, — деди. АҚШ кон- гресс раҳбарларига «Борган мактубида президент қуйида- гиларни ўқитди: «Биз бу во- қеанинг тағига етдик, деб ҳи- соблаймиз». Айни вақтда Оқ уй бошлиғи «АҚШ кучлари хо- зир ҳам Америка қисмлари ва ҳарбий хизматчиларини ҳимоя қилиш учун мудофавининг қў- шимча тадбирларини қўришга ош бўлиб турибдилар», —деб оғохлантирди. АҚШ конгресс вакиллари палатасининг спикери Жеймс Райт Рейган маъмури- тини Эрон ҳукуматидан уэр сўрашга ва унга тоовон тўлаш- га дэъват этди. «Агар маъ- мурият конгрессга шундай ил- тимос билан мувожабат қилса, конгресс бу таклифни қўллаб- қувватлайди ва тоовон тўлаш учун маблаг ажратад», деб таъкидлади Ж. Райт.

● БОНН. Совет ҳарбий ин- спекторларининг икки гуруҳи Американинг ГФР жанубидаги Мутланген ва Вюшхайм ракета- базаларига борди. Улар ўртача ва камроқ оқисли ракета- ларини тутатиш тўғрисидаги шартномага биноан шу жой- ларда инспекция ўтказдилар. Мутлангенда «Першинг-2» ра- кеталари, Вюшхаймда эса ке- нотли ракета- лар жойлашти- рилган. Уртача ва камроқ оқисли ракета- лари тўғрисида- ги шартномага мувофиқ, маз- кур ракета- лар ГФР Германия территориясидан олиб чи- қиб кетилиши ва йўқ қилиш юборилиши керак.

Муҳим кўрсаткичга эътибор

«Тошкент» мебелъ ишлаб чиқариш бirlашмасининг махсуслотлари таъминотида беш хил мебелъларнинг беш хил қисми бўлиб беради. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда мебелълар сифати бирмунча яхшилана бораётди. Кейин, китоб ва умумий фойдаланиш учун белгиланган жавонлар, шунингдек, иш столи ва телефон тумбаларидан иборат бўлган зона йиғмаларига кўпгина жойларда эътибор қилинади. Яқиндаги ўтган даврда 1987 йили шу пайтга нисбатан меҳнат унумдорлиги 118,3 процент ўсди.

Бу юқори кўрсаткичнинг таъминотидаги беш хил мебелъларнинг илгари қорхона раҳбарлари қандай бўлишини планини бажариш кетидан қўлдан бўлса, энди асосий кўрсаткич таъминотидаги махсуслотларнинг сифати бўлиб қолди.

Қорхонада сифатини бошқаришнинг комплекс системаси жорий этилган. Комплекс системанинг асосий вазифаси ишчиларда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ва бақариладиган ишларнинг сифатини бўлишида махсуслот

хис этишдан, ҳаридорлар талабини қондиришдан иборатдир. Ҳозир ҳар бир деталь, ҳар бир узелъ бевосита бақаришнинг томонидан текшириб борилади. Бу эса ўз-ўзидан бракиннинг олдинги олишига йўл очаяпти. Янги система-нинг афзаллиги шундан иборатки, у бевосита махсуслот ишлаб чиқарувчининг сифат учун махсуслотнинг ошириб беришга қўлай, балки қорхонада тай-арланаётган махсуслотга таъсир ўтказувчи барча ҳодимларнинг махсуслотини ҳам кўзда тутиш. Бунинг пировардида меҳнат натижаси ҳам унумдорлигини оширишга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Чироили, пухта ва қўлай мебелълар ҳаридорларга етказиб берилади. Бу — маънавий турмушнинг муҳим томони ҳақида. Чунки яхши ҳорид қилиш, яхши қай-қайта ишлаб афзаллигидаги жойларда ҳам боғлиқ. Худдан ана шу нуқтан назардан «Тошкент» мебелъ бirlашмасида таъминотидаги махсуслотлар сифатини яхши-лашда бевосита ҳаридорлар талабини ҳам ўрганиб борилади.

Тўғриси айтиш керакки, илгари мебелълар ишлаб чиқаришнинг махсуслотлари бirlашмасида кўпгина эътирозлар бил-дирилган. Жумладан, ётоқ-зона набоирлиги қийин ҳал қилинган эди.

Ҳар шундан, кўпгина уй бе-калари БИ—120 маркали кар-вот кўчмасини ноқулайлигидан шикоят қилишган. Карвот кўчмаси полга ёпишиб тур-ганлигидан хонани йиғиштириш ана қулай эди. Бirlашма му-тахассислари ана шу махсус-лотнинг янги лойиҳасида бу эътирозларни ҳисобга олишди.

Умуман олганда, мебелъ ишлаб чиқариш бirlашма-сида буюмининг сифати билан боғлиқ бўлган ҳар қандай сигналга ҳушёрлик билан қа-ралади. Бунинг шундан ҳам билса бўладики, 1987 йилининг биринчи кварталда Тошкент шаҳри 6 миллион 611 минг сўмлик мебелъ ҳарид қилган бўлса, 1988 йил биринчи ква-рталда бу рақам 10 миллион 187 минг сўмга етди.

Қорхона коллективни яқин-дан бошлаб «Шорча» мебелъ термасини тайёрлашга кириш-ди.

Д. ОБЛАЕВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ВАШИНГТОН. АҚШ ку-ролли кучлари штаб бошлиқ-лари комитетининг раиси ад-мирал Уильям Кроуининг та-лифига бйноан СССР Қўролли Кучлари Бош штабининг бош-лиги — СССР Мудофаа ми-нистрининг биринчи ўринбо-сари Совет Иттифоқи Марша-ли С. Ф. Ахромеев расмий вэзит билан сешанба кўни Қўшма Штатларга келди. С. Ф. Ахромеев адмирал У. Кроу ва бошқа расмий кишилар билан суҳбатлашадиган ташқарий ҳар-бий машқларда ҳозир бўлади, «Теодор Рузвельт» авианосе-цида бўлади, АҚШнинг баъзи харбий объектларини кўздан кечирилади.

● ДАШАШ. Боснийчилар араб аҳолиси номийсини тарқатиб юборётган пайтда Женни шаҳри яқинидаги Каб-батия қишлоғида 40 яшар фа-ластини ўқ тегиб оғир жароҳатланди. Босиб олин-ган территориялардаги бар-ча аҳоли пунктларда ял-ли забастовка бўлди.

Аҳоли сешанба кўнини уму-мий забастовка ва оккупация маъмуриятига бўйсунмаслик кўни, деб эълон қилиб, кўз-голон бirlашган раҳбарияти-нинг дэватига жавобан на-моийш ўтказди. Босиб олинган территориялардаги барча рай-онларда транспорт ҳаракати тўхтаб қолди, арабларга қа-ралави савдо дўконлари иш-ламайтир. Умумий забастовка Иордан дарёси Фарбий соҳи-лини, Газо секторини, Қуддас-нинг араблар яшайдиган шар-кий қисмини қамраб олди.

А Ф И Н А Д А ЖАЗИРАМА ИССИҚ

АФИНА. Қора тутун қамраб олган Афина узра жазирама иссиқ ҳужим сурмоқда. Термометрининг симоб устуни 40 дара-жага етмоқда, яқин кўнларда эса, метеорологларнинг ол-диндан айтишича, иссиқ яна ҳам кучаяди. Шаҳар назорат хизматлари маълумотларига кўра, пойтахт устидagi ҳа-вонинг ифосини йўл қўйиши мумкин бўлган даражадан икки баравар ошиб кетган. Зўрайиб бораётган иссиқ ва қу-рум пойтахт аҳолиси учун жиддий муаммолар келтириб чиқармоқда. Матбуотнинг хабар беришича, тез драм ма-шинлари юрак касаллигига ўчраган қарий 340 кишини Афина касалхоналарида олиб келган. Ҳарорат юқори бўлганлигидан уларнинг аҳоли низоҳати ёмонлашган.

Газеталар ўтган йили ёзда жазирама иссиқ ва қурум минг-дан ортқ кишининг ўлимига сабаб бўлган фалокатли ах-волни эслатмоқда. Газеталарнинг маълумотларига кўра, ҳу-кумат агар азизат янада кескинлаша, қурумга қарши ку-раш борасида қўшма чораларни амалга оширишга тайёр-гарлик кўрмоқда. Греция Компартиси юз бераётган азизатда сира кечиктирилган, ҳаракат қилишга дэват етмоқда. Бу ерда ГПБ баёноти эълон қилинди. Унда ўтган йилги фожиа тақдорламаслиги учун соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилиши зарур бўлган бир қатор шохлиқин чоралар баён қилинган.

Объективда—Америка



Жуда катта шаҳар, саноат маркази, оммавий коммуни-кация восталарининг уяси — Америка Қўшма Штатларининг энг йирик шаҳарларидан бири — Нью-Йорк ҳақида кўпгина аниқ шундай деб эътибор. Шу билан бирга Нью-Йоркни мо-лия оламининг юрги деб аташ ҳам адолатдан бўларди. Чунки, ана шу оламининг тисмоли бўлиши Уолл-стрит ва шу кўчадаги машҳур фондар биржаси Нью-Йоркда жойлаш-ган.

Уолл-стрит асли ҳар икки томонда бетондан қурилган осмонуб бинолар қад кўтарган тоғина бир кўча. Ҳатто серкўш кўнларда ҳам бу кўчага ёруғлик қамдан кам туша-ди. Қўшн рекламалари билан қарогон, одоналар ва авто-биллар гавжум, камалак рангида товланувчи Бродвейдан фарқли равишда Уолл-стрит ўзини кўз-кўз қилишни ёқтир-майди. Унинг вазифаси ҳам ўзгача.

Уолл-стрит азадан капитализмининг тисмоли ҳисобланади. Банклар, миллиятлар корпорациялар, инвестиция фирмалари ва сугурта компанияларининг қўшони тармоқлари шу ерда бир-бири билан қирмашиб кетган. Шу ерда катта биз-нес ҳоқимлари пулни пулга қачиб билан бирга сёбатини юртадилар. Капитал оламидagi энг нуфузли фондар бир-жаси бунда уларнинг асосий востиси ролини бажаради.

СУРАТДА: ана шу Уолл-стрит.

Н. Маслов фотоси.

АТИР
КАШАНДАЛИКНИ
ДОВОЛАЙДИ
Пеккидаги актанавий хитой медицинаси инсти-тутининг мутахассислари кашандаликни доволай-диган атирин яратдилар. 36 хил хушбўй ўтларнинг ҳидидан таркиб тошган ана шу атирини муаттар исини 15-20 минут да-вомида ҳидидан организм-да тамаки тутунидан жи-рканни тўғусини вужудга келтиради. Хитой медик-лари 100 кашандалдан 98 нафари ана шундай до-во-ланишдан сўнг тамаки чекишни ташлайди, деб тасдиқлашмоқда. Чора кам таъсир этган киши-лар доволаниши жараянини бир ҳафтагача қўзғала-ридан сўнг албатта сига-рет чекишни ташлашга эрини.

«ШАРҚ ЭКСПРЕССИ»
ХАРАКАТИ
ТИКЛАНАДИ
Илгил эъзувчиси Ага-та Кристи яқиндаги асарият мухлислари унинг «Шарқ экспресси» аса-рини яхши эслайдилар. Эндиликда Япониянинг «Фунав» телефирмаси ана

шу афсонавий поездинг ҳаракатини тиклашга қа-рор қилди. Фақат унинг маршрўти Истамбулда ту-ганай, шарққа томон — Гонконгга узайтирилади. Поезд 16 вагондан иборат бўлиб, икки ўрни-ли кушеларда ҳаммаси бўлиб 90 пассажир йўл-га чиқади. Билетлар евро-поликлар, америка-ликлар ва осёликларга ў-расида тенг тақсимлана-ди. Шарқ экспресси Па-риждан йўлга чиқиб, ГФР, ГДР, Польша, СССР ва Итало орқали Гонконг-га келади. Саёҳат 2 сен-табрда бошланади, 23 кун давом этади. Йўлда пас-сажирлар мамлакатлар-нинг пойтахт-шаҳарла-рида тўхтаб, театр ва музейларни томоша қилиш ижкомига эга бўладилар. Тўғри, ҳозирча неча ки-ши ана шундай саёҳат қи-лиш истегини билдирган-лигини айтиш қийин. Са-баби, билетнинг баҳоси он-эз эмас қўл эмас 15 минг доллар туради.



«Ташеэлектробитрибор» заводига ўз касбига садоқатли, меҳнатсевар ишчилар кўпчилигини ташкил этади. Улар барча ишларда алоҳида намуна кўрсатишмоқда. Қорхона шухратини оширишдан, юқори сифатли махсуслотлар тайёрлашдан куч-

гайратларини аямаяпти. Файзулла Муллаев ана шундай ишчилардан бири-ди. У ўн йилдан бун ҳалол меҳнат қи-ляпти.

СУРАТДА: Файзулла Муллаевнинг. Т. Каримов фотоси.

Сўнгги вақтда, айниқса мамлакатда Русда христианлик жорий этилишининг 1000 йиллигини байрам қилишга тайёр-гарлик чоғида динга қизиқиш кучай-ди.

«Вечерний Ташкент» газетасида шу йилнинг 17 март ва 7 апрель кўнлари эълон қилинган «Сукунат салтанати»-дан хабарлар ва «Сукунат салтанати»-дан янги хабарлар сарлаҳли мақо-лалар муҳокама-мулоҳазаларга сазовор бўлди. Мана икки ойдири, ана шу ма-териаллар атрофида баҳслар бўлиб турибди. Қўнлар кўн идораларга, пар-тия ва совет органларига, СССР Ми-нистрлар Совети ҳузурида дин ишлари кенгашининг Тошкент шаҳридаги ваки-

ли номига турнақатор хатлар келиб ту-рибди.

Мақолаларда тилга олинган маса-ларга жамоатчилик низоҳатда қизиқа-ётганлигини, бу материалларга руҳон-ийлар ва диндорлар ўз муносабатини билдиргани, шунингдек газетонлар-нинг қўнлар кўн илтимосларини ино-батга олиб, редакция ана шу мақола-лар муаллифидан СССР Министрлар Со-вети ҳузуридаги дин ишлари кенгаши-нинг Тошкент шаҳридаги вакили Тур-сунқул Искандарович Искандаров би-лан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат этишни илтимос қи-лди.

хатлар ҳамда дин ишлари кенгаши ваки-лининг ҳодимлари тақдим этган қўшмча фактларни текшириб чиқишгандан кейин «ТЕРО» диний жамоаси ижроия органи-ларнинг аъзолари М. С. Аронов ва Л. М. Азиевскиевни КПСС сафидан чиқарди. Яқин орада мақолада тилга олинган бош-қа коммунистларнинг шахсий ишлари ҳу-сусида ҳам қарорлар қабул қилинади.

— Турсунқул Искандарович, «Сукунат салтанати»дан хабарлар мақола-сида Успенский кафедрал собори ижроия органи раиси В. Г. Пишчиков диний анжумал билан чайқовчилик қилгани ҳу-сусида фактлар келтирилган, диний байрамлар ўткази-лаётганда шаҳар қабристонларида ҳам диний анжумал билан чайқовчилик қи-лаётганлиги айтилган эди.

— Ҳа, бу фактлар батамом тасдиқлан-ди. Пишчиковнинг ўзи давлатга бир неча минг сўмини, шунингдек, пенсия ортқиқа тулганни эвазига олинган пулларни тўла қиларди. Жами Успенский кафедрал со-борининг ўзидангина давлатга 20 минг сўмдан кўпроқ пул қайтарилди.

Бизнинг суҳбат

Жамият ва дин: ўзаро муносабат муаммолари

«ТЕРО» диний жамоаси давлатга катта пул маблағларини қайтариб берди, шаҳар-даги бир қанча масжидлар ҳам қайри-қонуний равишда олинган пулларни қисман қайтардилар. Ўрта Осиё мусулмонлари Диний бошқармаси мазкур бошқарманинг айрим ҳодимлари давлатга етказган зиён батамом қопланади, деб расмий таразда ишотириди.

Шу ўринда ўз фикр-мулоҳазалари баён этилган мақбулада чайқовчилик ва дав-лат билан машғул бўлган дин хизматчиларини қоралаш билан бир қатор-да ана шундай хизматчиларнинг номуно-сий ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида янги ашбёв диндорлар келтирган диндорларнинг алоҳида активлигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Масалан, диндорларнинг гайрати тўғрисида Боткин қабристонига хо-наки усулда нашр этилган календарлардан фото усулида нуска қўчириб, уларнинг ҳар бирини бир сўмдан пуллаётган вақти-да Валентина Иванова Пришчелова қўл-га олибди. Ҳамза район икки ишлар бў-лими унга 30 сўм жарима солиди. Валенти-на Иванова ТошМин клиникасининг фи-зиотерапия бўлимида санитарка бўлиб иш-лайди. Хўш, бу ерда унинг ҳатти-ҳара-кати қандай баҳо беришиди? «Ирригация» давлат махсус конструкторлик бюроси-нинг етакчи инженери Александр Федо-рович Ерафин «Радионика» байрами кўни иш вақтида Қорақамшида ўз машинасида дин-ий ашёларни неча марта лаб ташиб кел-ган.

Шунга эътибор бериш керакки, пас-ка байрами ва «Радионика» кўнлари қаб-ристонларда мингдан кўпроқ тиланчилар пайдо бўлиб қолди. Тартибни сақлаш лозим бўлган кишилар уларга нисбатан бирон-бир чора кўрмадилар. Байрам кўнлари сўнгги гуллардан асалган гулчамбарлар чайқов нархидан сотилди, уларнинг нархи «осмонда» эди. Қабристонлар ёнидаги ободонлаштириш бошқармаларининг ма-газинларида эса гуллар низоҳатда кам эди...

— Редакцияга ва сизнинг номини-га келган мақбулада кўпгина диндорлар Пишчиковнинг ҳатти-ҳаракатларини қо-раламоқдалар. Успенский кафедрал со-борининг ҳодимлари А. К. Вишнякова, Л. Га-хун, Т. Гончаренко, А. Романов, қа-млардан К. И. Смирнова, Т. Лазарева, М. А. Бойко, В. И. Зима, шунингдек, М. Павло-ва, Т. Бочкарева, Т. И. Панина, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси М. И. Марков, уруш ва меҳнат ветерани Д. Клева, Н. П. Никитина ва бошқалар шулар жумласи-дан.

учратди. Улар қабристонларда ва Успен-ский кафедрал соборида ҳам бўлишди. Улар орасида 175, 68, 55-мактабларнинг, 30-ўрта хунар-техника билим юртининг ўқу-чилари кўп эди.

Расм-руслар ва паска тантаналарида Тошкент Давлат консерваториясининг, Тош-кент театр ва расмий институтининг, маданият институтининг айрим студентлари ва муаллимлари ҳам қатнашдилар. Уларни бу ерда динга эътиқоддан кўра кўпроқ ҳолларда ашула айтиб пул топиш имони-яти етказиб келди.

Айни вақтда диний байрам кўнлари ма-даният саройлари ва уйларида, клубларда тадбирлар низоҳатда кам бўлди. Ҳаёо ил-иб кетганига қарамай маданият ва истироҳат боғлари кўп ёпиқ эди. Боткин қабристони ва «Домробода» қабристонидagi тадбир-ларда неча минглаб кишилар қатнашди. Уларнинг орасида ешлар кўп бўлганини таъкидлаш керак. Бунинг устига қабри-стонлар ёни-вериди, диний жамоалар яқини-да давлат машиналари ҳам турардики, уларнинг эгалари давлат автомобилдан хизмат мақсадида фойдаланган бўлишмаса керак.

Атеистик пропаганда яхшилаш тўғри-сидаги масала низоҳатда кескин бўлиб ту-рибди. Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари ва район комсомол комитетлари ана шу ҳақида ўйлаб қўриш-лари керак. Оммавий диний байрам кўн-лари ана шу таъкидотларнинг ҳодимларини диний расм-руслар ўтказиладиган жойлар-да намдан-нам қўраси. Ҳар бир диндор бу-лан алоҳида иш олиб бориладиган, деб ҳи-соблайман.

— Кўнликда газетонлар Тошкентда ви-ждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқи-нинг аҳоли қандай, деб қизиқишяпти. — Виждон эркинлиги — мамлакатимиз граждандарининг ажралмас ҳуқуқидир. Қо-нунга кўра, диндорлар диний эътиқодларини эркин қондириш ҳуқуқига эгадирлар. Ана шу граждандар 18 ёшга тўлганларидан кей-ин диний жамоалар ва гуруҳларга бirlаш-тиришлари мумкин, улар қонунчили-да бел-гиланган тартибда рўйхатга олинганларид-дан кейин ўз фаолиятларини бошлайдилар.

— Рўйхатга олинишни моҳияти нимада? Бу диндорлар ҳуқуқини қамситмайдими? — Ақсича. Рўйхатдан ўтишининг маъно-си шундаки, диний жамоа ўз зиммасига дин тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиш мажбуриятини олиши билан виждон эркин-лигини ҳимоя қиладиган қонун паноҳида бўлади.

содир бўлиб турибди. Шуларни эътиборга олиб қўнликчи маршуртларга, жум-ладан мақолада таъкид қи-линган маршуртларга янги, йўловчилар кўп кетди-ган автобуслар қўйилди. 7, 12, 18-автобус паркида-

ги баъзи раҳбарлар ўзгари-дири. 7-парк директорининг ўринбосари Г. Қўчқоров, 12-парк директорининг ўринбо-сари — Д. Сулей. 18-парк директор — ўринбосари А. Ра-ҳимбердиев шулар жумласи-дан.

Пассажир автотранспорти-даги қамчилликларни бартар-оф этиш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия коми-тетининг шу йил 21 апрелда-ги қарорига бйноан барча маршуртларда йўловчилар оқи-ми ўрганилади.

Ишчи сулоласи

Минг бир касб

Улуғ Ватан уруши, меҳнат ветерани Ориф ота ва Қарамон она Меҳрихон ая қарилик гаштини суришти. Уларнинг 10 фарзандлари, 30 дан зиёд неваралари бор. Ўғиллари Толибжон, Сунаат, Султон, Мамамад, Абдуҳакимовлар электр транспорт хизмати самардорлигини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилишди. Ўз қадрини, бахтини меҳнатда топган беш ўғлон Абдуҳакимовларини Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли ҳаракат хизматининг авариясини бартараф этиш бўлимида учратдик. Эндигина суҳбатга шайланганимизда хонада телефон жингиллади.

— Навбатчи бригада эшитди. — Тарас Шевченко ва Гоголь кўчалари чорраҳасида 3-трамвай маршрутидаги 3120-вагон редуктори ишламапти, транспорт ҳаракати тўхтаб қолди.

Толибжон Абдуҳакимов етакчилигидаги оналик бригада аъзолари носоҳ техника ҳолат юз берган ерга шопилини йўл олдилар. Толибжон биринчи навбатда 4, 13, 22, 28-трамвай маршрутларини Марказий универсал магистраль — Ленин проспекти — «Россия» меҳмонхонаси йўллари орқали ҳаракатланганини учун кўрсатма берди. Уларни Сунаат, Султон, Мамамад, Абдуҳакимовларнинг ёнида трамвайнинг редуктор системасини текшириди. Озгина фурсат ўтгач, у трамвай ҳайдовчисининг ёнига ту-

тоқиб келди.

— Трамвайнинг мойи қуриб кетган редуктор билан қандай олиб чиқдинг? — Толибжон ҳайдовчи йигитни тавбасига таътирмоқчи бўлди-ю, лекин асосий айб ўша «Красноосточное» депосининг совуққон ремонтчиларида эканлигини эслаб шаштидан қайтди. Зудлик билан редуктор мойланди. Созланган трамвай жойидан аста силжиди.

Ҳар кунни шахримизда ҳаракат қилаётган 631 та электр транспортнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлашда беш ака-ука ўз зиммасидан масъулиятини шараф билан оқлаб келаяпти.

Абдуҳакимовлар намунали ахлоқ ва меҳнатлари билан кўп жиҳатдан бошқарлардан ажралиб туради, — дейди биз билан суҳбатда ишчилар сулоласининг ўсати А. Ғаниев. — Улар бошлаган ишларини тез ва сифатли қилиб адо этишади.

...Оқшом. Ориф ота ва Меҳрихон ая дастурхон тўрида. Уларнинг дово маслаҳатларидан баҳраманд бўлган оила аъзоларининг чехрасидан табассум аримайди. Ҳалол меҳнат қилиб ишла ва маҳаллада обрў топиб келаётган Абдуҳакимовлар одамлар меҳрига ҳалол меҳнат билан жавоб беришяпти.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.
СУРАТДА: ака-ука Абдуҳакимовлар.
И. Шойнагов фотоси.



БИЛИМ ОЛИШ ОСОНМАС.
МАРДЛАР БУ ЙЎЛДА ТОЛМАС.

Билимни ҳаёт чирояи дедик. Ҳа, у кишининг ҳаёт йўлини еритди, мушкулни осон қилиб, мақсадига етиш сирларини ўртада. Инсоният учун, унинг янада тараққиёт этиши учун билимнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Фан-техника революцияси даврида билимнинг янгида-янги қирралари очилмоқда ва унинг қўлини тобора кенгайиб борапти. Шунинг учун Коммунистик партияси билим беришнинг янада такомиллашган методларини излаш, уларни янада чуқурлаштириш тадбирларини белгилаб, келажикда мана шу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режасини лўғасиб берди.

Маълумки, қайси бир соҳа билан қизиқмайлик, қайси бир билим чуқурлигини эгаллаш ҳаракат қилмайлик, бу осонликча ва ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бу йўлда тинимсиз изланиш, ўз устидан ишлаш ва мана шу илм сирларини ўрганиш, кашф қилиш устидан машаққатли меҳнат қилишнинг лозими. Бу йўлда кичик-кичик муваффақиятлардан зафарланиб, оддийликдан мураккабликка эришилди.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

деганда бобомиз Навоий ҳам илм сарҳадларини эгаллаш йўлидаги курашининг оғир ва машаққатли эканлигини ўзи яшаган даврдаёқ алоҳида таъкидлаган эди.

Билимнинг, илм олишнинг охири, чегараси йўқ, худди олам бепоён бўлганидек, билим эгаллашнинг ҳам ҳадди-ҳудуди йўқ. Илм-фаннинг барча соҳаси кенг қўламли, қамрови беқиёс бўлиб,

унинг ичига қанчалик кириб боришса, янги-янги қирралари қанча қўлаб кашф этилса, ҳаётимиздаги янгилик ва новаторлик ютуқлари шунчалик кўпайиб бораверади. Билим бамисоли бир уммонки, бизнинг ундан олганларимиз улкан дегиздан олинган бир томчи, ҳолос.

Олимлар, илм дарғалари бу борада қанчалик буюк ишлар қилмасин, кашфийётлар очилмасин, аммо унинг тағтига етиш мушкул. Шу сабабдан бўлса керак, аллоҳлардан бири бу борада шундай деб ёзган:

Ҳаёт чироғи

«Билганларимизнинг чеки бор, — деган эди француз олимий Пьер Лаплас, — билолмаган нарсаларимизнинг эса ҳад-чегараси йўқ». Ҳа, олим таъкидлаганидек, биз қанчалик кўп билимга эга бўлмайлик, билимга, изланишга, янгида-янги марраларни эгаллашга бўлган эҳтиёжimiz шунчалик ортиб бораверади. Бу борада қанча кўп янгиликлар кашф этилмасин, юқори чуққиларга эришилмасин янги тадқиқотлар учун «қўриқ»лар шунчалик беподир.

Билимнинг яна аjoyиб хусусиятларидан бири, унинг ниҳоятда катта қудратга, кучга эга эканлигидир. Ҳалқ нақлида зикр қилинганидек, «қўнган ўзани». Ҳа, нафақат ўзани, жаҳолатни, разолатни тўздириб, билганини билдириб, ақл ҳазинасини дуру-яхво ҳирлар билан тўлдирди. Би-

Оламда янқою ёлғиз бир касб эгаси бор. Ҳаётнинг тараққиёти ҳам, инсоннинг шаклланиши ҳам, маънавият ва маданий дурдоналарининг вужудга келиши ҳам ана шу муътабар зотга, унинг савияси ва меҳнатига боғлиқ. Гап ўқитувчи ҳақида кетаяпти.

Қадимдан халқимизнинг муаллимга эҳтироми баланд бўлганлигига тарих гувоҳ.

— Сиз нима дейсиз, билмайман, лекин мен кишининг чехрасидан кўп нарсани ўқиб олиш мумкин, деб ўйлайман, — деди мақсадини билгач Чилонзор районидаги 114-ўрта мактабининг илмий бўлим мудири Марям опа Маматова, — шу вақтдан ҳама ёзишга жазм қилган қаҳармонининг таърифилаб ўтмираман. Ана ўзлари ҳам келаяптилар, рази солинг-а,

бу муаллимнинг феъл-атворида хос кўп нарсалар унинг озида уйғунлашган. Дарҳақиқат, халқ ибратиди «Юз—дил кўзгуси» дейилди. Рост, юзу кўз кўнглига тилмоч, қўлаётганда ҳам, йиғлаётганда ҳам, шубҳа

билан қараётганда ҳам унсиз гапириб туради.

Матлуба Мирсоатованинг вужудига бахтиёрлик балқиб туради. Танишдик. Кўйди-пишдиғина аёл экан. Бундай кишининг бўйроқ вақтин топиб суҳбатлашиш ҳам қийин. Ҳақмақсадли таърифлаб беришди: оқила уй бе-

наси, меҳрибон она, хушфеъл мураббий, тажрибали муаллим.

Матлуба опадан мактаб илоҳоти ва қайта куриш ози-сидан мактабда амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб беришини сўрадик.

— Умумий таълим ва ҳунар мактабининг илоҳи қилишининг Асосий йўналишларида таълим сифати ва дарс самарадорлигини оширишга муҳим эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан тил ва адабиёт муаллими бўлганим учун ҳам дарсларда иншо ёзи-

риш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки иншо ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиради, ақлий меҳнатга ўртади, нитоб этида мустақил ишлаш ва ҳаётини мувокаларни кузатиш, икжодий қобилиятларини ўстиришда муҳим роль ўйнайди.

Матлуба опа она тилини чуқур ўрганиш ҳақида ҳам кўниб-бўниб гапирди. Ўз касбининг фидойисини эканлигини ўқувчиларнинг уни жуда яхши кўриши тасдиқлаб туради.

Сизга омад тилаймиз, суяюкли муаллима!

Надир АЛИМОВ,
Бобур ТҲҲАБОВЕВ.

С а б о қ

б ў л м а я п т и

«13» рақамини иримга йў-

йиб, ундан чўчиб юрадиганлар

хам учраб туради. Кимлар-

дир бунга қатъий ишондики,

кимлардир йўқ. Лекин шах-

римиз кўчаларида 13-маршрут

билан қатнайдиган троллейбус

шофёрлари бунга астойдил

ишонинишади. Шу боксданми

улар 13 июнь кунни жуда эҳ-

тиёткор бўлишди. Оқибатда бу

маршрутда бирорта кўнгилсиз

ҳодиса рўй бермади. 14 июнь

кунни эса аҳоли ўзгарди. Шу

кунни шофёрлар анча хотирнам

ишлаб бемалол графиники тўл-

диришга ҳаракат қилдилар. Бе-

малоллик узоққа чўзилмади.

14 июнь кунни неч соат 20-21

оралигида шу маршрутда ни-

хита авария содир бўлди.

2201-номери троллейбус Вол-

гоград кўчасида велосипедда

кетётган йўловчининг йўлдан

сиқиб, ариқча йиқитиб юбор-

ди. 2282-номери троллейбус

эса Фарҳод кўчасида «Шух-

рат» бекатининг бурилиш

жойида енгил машинага бо-

риб урилди. Бу кўнгилсизли-

лардан ишдан қайтаётган одам-

ларнинг асаблари бўзилди.

Улар бошқа троллейбусга ўти-

риб кетишга мажбур бўлдилар.

Кўпинча троллейбуслар на-

бисасидаги ойналарга парда

тутилган бўлади. Гоҳида ҳай-

довчилар ёнидаги таниши бил-

ан гурунглашиб музика эши-

тиб кетдилар, 14 июндаги

2201-номери троллейбусни

бошқарувчи шофёрнинг каби-

насида пардалар бўлмаганида

пассажирларнинг «тўхтагн,

йўловчининг туртиб ўтиб ке-

дигиш», деган эътирозини

эшитган бўларди. Афсус, хо-

дисан у 1 километр нарига

кетгач билди. Ниқалла троллей-

бус кита 2-троллейбус депоси-

дан. Мазкур деподаги ишлар-

нинг суст олиб борилаётгани

ҳақида кейинги вақтда кўпи-

лаб жондй эътирозлар бил-

дирилмоқда. Минг афсуски

бундан тўғри хулоса чиқариб

олинмапти.

Маъсуда ЕҚУБОВА.

Газетхон хабар беради...

Метросозлар учун

Яқин йилларгача «Ташметрострой» трестиде квартира олиш учун навбатде тургиларнинг узун сафи қисқармади. Ун ва катто ундан ортик йиллаб метросозлар ўзларининг турар-жойларига эга бўлишини ораник кутдилар. Тўғри янги уй олганлар ҳам бўлди. Аммо улар камчилигини ташкил этишарди. Шу йилнинг охирида эса бир йўла 32 метросоз ўзининг турар жой шартини яхшилайдилар. Бунга коллективнинг ўзи бошлаб берган ташаббус кенг йўл очмоқда. Трест коллективининг ҳужалик йўли билан Чилонзор районида барпо этиётган биносида ҳозир ишлар қизиги паллага кириб бормоқда. Уни трестнинг 2-монтаж бошқармасидеги бир гурупа қурувчилар барпо этишяпти. 4 қавати янги уй келгусида ер ости магистраль бунёдкорлари амалга оширган навбатдаги энг яхши ишларнинг бири бўлиб қолади.

А. РУСТАМОВ.

таклиф этади...

АЛОҲИДА ВАГОНЛАР БЎЛСА

Яқинда «Тошкент-Андижон» поезди (№660)нинг юмшоқ ўринли 18-вагонига чиққан чоғида чуқур ўйга тосиб. Сабоб ўша кун билетде кўрсатилган жойде кетиш нақс этилди. Тўғрироғи, тўрт нафар энди атак-чекак юрадиган болалари билан ути аёлни кўрғач, ўз жойиниға бориб ўтиришни ўзимга эл кўрмадим.

Бу воқеани кўриб миямга шундай фикр келди. Урта-Осиё темирйўлларида юрган поездларда болани оналар учун жиҳозлар анчайин мослаштирилган алоҳида вагонлар ташкил этилса қандай бўларкин. Вагонларда бир эмак, иккитадан провандик аёллар хизматде бўлишса қандай яхши!

Б. МАҲМУДОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ЕР ОСТИ ЙЎЛЛАРИ КЎПАЙСА

Республикамиз пойтахти йил сайин кенгайиб, аҳолиси тобора кўпайиб бормоқда. Шаҳримизга келаятган меҳмонлар сонин ҳам ортиб бораптир. Бу эса шаҳар маъмуриятининг хизмат кўрсатиш тармоқларининг янада кенгайтириш ва сифатини тўбдан яхшилашни тақозо қилмоқда. Айниқса шаҳримиз йўлларининг аҳоли аниқлири. Улар жуда носоҳ ва нуқулэй, ер ости йўллари кам. Мамлекатимизнинг бошқа шаҳарларинда эса йўл қурилаётганида ер ости йўлларини бира тўла бўлиб этишга эътибор берилади. Бизда эса бу масала эътибордан кетма қолган. Шу боксдан ҳам шаҳримизда йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тез-тез содир бўлиб туради.

Уйлаимки, пойтахтимизнинг Чилонзор ва Юнусобод сингари массивларида кўпплаб ер ости йўлларини ҳозирданок бўлиб этиш керак. Бу иш кун талаби, келажак талаби, аҳоли талаби.

О. РАЗЗОҚОВ,

ВЛКСМ аъзоси.

...ТАНҚИД ҚИЛОДИ

ДАРАХТЛАРНИ КЕСМАНГ

Шаҳримизнинг ўртасида, Байналминал кўчасининг ўнг томонида Анҳор оқиб ўтади. Ана шу Анҳорнинг қирғиғида неча ўн йиллардан бери гуриқраб ўсиб турган катта-катта дарахтлар бор эди. Мана шу кўнларда Анҳор қирғиғидаги юзлаб дарахтлар палпаттириб қирқиб, ер билан яқсон қилинапти. Ахир бу жиноят эмасми! Бу дарахтлар кўнанинг кўрки, Анҳорнинг беағи эди-ку! Бу дарахтзорлар, биринчидан, кишиларга қанчадан-қанча қиспдор бахш этса, иккинчидан, одамларнинг кўзини қувонтиради. Уларни ер билан яқсон қилиш кимга шунчалик зарур бўлиб қолди!

А. НИЗОМХОНОВ,

республика миқёсидаги шахсий пенсионер, меҳнат ветерани.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Хушхабарлар

Бухоро тўйимачилик комбинатида барпо этилган «Текстильщик» боғдорчилик-сабзавотчилик ширкатига ўн гектар унумдор ер ажратиб берилади. Ширкатга аъзо бўлиб кирган корхонанинг кўпгина ишчи ва хизматчилари тган дам олиш кўнлари ўз участкаларига келиб, мамнун бўлдилар. Шаҳар Совети депутатларининг ёрдами билан ер текислаб ишларини сифатли қилиб ўтказиш, участкаларга сув келтириш, йўл қуриш, электр линияларини ўтказиш мумкин бўлди. Ширкатга кирган ҳар бир онла 5 минг сўм миқдорда қарз олди.

Қўнonga командировкага келиб меҳмонхонадан жой топа олмасангиз — хувоҳ бўлиб юрманг. Коммунал хизмат темирйўлчилари мушкулнингизни осон қилишади. Темирйўл Фаргона бўлимининг узель ётоқхонаси муҳтожларга ҳамма қўлайликлари бўлган ётоқ жойлари беради. Ётоқхонада дам олиш хонаси, душхона бор, буфет ишлаб туради. Қўнonga ўзбек шоирларининг Ватанига келган ўйлаб меҳмонлар транспорт-коммунал хизмати ходимларининг меҳмондўстликларида фойдаланадилар.

Термиз кўчаларининг бирини интернационалист-жангчи Николай Цуранов номи берилади. У шу шаҳарда туғилган ўсиб, шу ердан армияга кетганди. 1981 йил ёзда бўлима командир киичи сержант Цуранов интернационал бурчини адо этиш пайтида афгон диверди ҳалок бўлди. Термизликлар жангчининг хотирасини ҳурмат билан эсламоқдалар. У «Соватос» — «Термиз» халқаро алоқа корхонаси ҳайдовчилари комсомол-ёшлар бригадасининг составига киритилган бўлиб, унинг номига ёзилувчи маош Тинчлик фондига ўтказилади. Н. Цуранов спортнинг отиш турини севади. Унинг хотирасидаги соврин учун ўтказиладиган шаҳар мусобақалари анъана тусини олди.

(ЎЗТАГ).

ДАВР ТАҚОЗОСИ

«Березка» кооператива мағазининг эрталабданок тавжум. Пештахталардан бирда пой-афзаллар савдоси кизган. Пойафзал мода талабларига жавоб беради, қўнчилиш ҳам чироқли. Уларни Тошкент Политехника институтини хузурида фаолият кўрсатаётган «Студент» кооперативини ишлаб чиқармоқда.

1-покафзал фабрикасининг фирмалли мағазинида эса аҳоли мўтлеко ўзгача. Автомашинадан қороз кутлар турширляпти, ёрданчи хонадан эса бошқа кутлар олиб чиқилиб, кўз овга жойланапти — бу брак махсулот фабрикага қайтарил-япти. Мағазинда харидорлар бор, аммо улар ҳеч нарсани харид қилмай қуруқ чиқиб кетишяпти.

Нима учун усқунлар билан аяхшироқ жижолазланган, ходимларнинг катта шати меҳнат қилмадиган корхона бир неча киши меҳнат қилмадиган мўжажиге бир кооператив билан рақобатга бардош беролмапти!

— Биз харидорлар эҳтиёжини тез илгаб олишга, ишлаб чиқаришни ана шунга мослаштиришга ҳаракат қилаяптиз, — ўз фикрларини билан ўртоқ-

лашади кооператива раиси Александр Мусс. — Махсулотни оз-оз миқдорда ишлаб чиқарамиз — ана шунда у яхши ва тез реализация қилинади. У аки бу намунани ишлаб чиқаришда тўхталиб қолмасликка ҳаракат қилмасиз, моделларини тез-тез янгилаб турамин. Бир махсулотини ишлаб чиқаришдан иккинчисига ўтиш учун икки-уч кун керак бўлади.

Икхав, бунинг устига план қиларилар билан боғламаган чез бўлади, давлат стандарти, план, бюротмачилар ҳозир бўлган улкан ишлаб чиқариш бошқа, деб эътироз билдириш мумкин. Агар қимматбаҳо усқун хеч ким харид қилмайдиган махсулотини кўпплаб ишлаб чиқаришга сарфлар этилган бўлса, бундан қандай фойда бори! Юзлаб ишчи кўнлари ҳеч кимга керак эмаслигини олдидан маълум бўлган пойафзалларни тайёрлаётганидан наф борми! Тўғрироғи фабрика-мағазини — фабрика «ковчеверини» қанчогача амак қилди! Қачонгача харидорлар ҳеч нарсани харид қилмай пештахталар олдидан қуруқ қайтшади! Фабрика мухтафасидаги ана шулар ҳақида бош қотиришса чакки бўлмас эди. Бу-

нинг устига ечимини ҳаётининг ўзи тақозо этиб турибди. Яппи махсулотни эмас, харидорлар эҳтиёжига мос махсулотини тайёрлашга мослаштирилган ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш керак. Мажнуб бичиш ва тикши цехларини бир-икки хил эмас, турли қўнчилишдаги раг-браван пойафзалларнинг сек-ниси-ўн модели ишлаб чиқариладиган участкаларга бўлса бўлади. Дид ва фаросатсиз

тайёрланаётган сон-саноксиз оёқ киимларини ўрнига оз миқдорда мода талабларига жавоб берадиган, ўзига хос, арзон ва сифатли пойафзаллар тайёрласа бўлади. Резервалар бор, фақат улардан усталик билан, ишининг қилиб билиб фойдаланиш керак.

«Березка» кооператива мағазининг пойафзал сотиладиган пештахталари олдидан харидорлар навбат кутиб туршибди.

Бу демек «Студент» кооперативиде тиккиган ёзги пойафзалларнинг янги туркуман олигани.

СУРАТДА: фабрика-мағазини фабрика «ковчеверини». Авто-

машинадан сотиш учун келтирилган махсулот туршириб оли-

япти. Сотилмай қолиб кетган пойафзалларини худди шу ма-

шинада олиб кетишади.

Р. Ғафуров фотоси, [ЎЗТАГ фотохроникаси].

